Яшариш, янгиланиш, эзгулик айёми муборак!

Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543)

Наврўзи оламнинг яна бир бетакрор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бутун ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади.

Ислом КАРИМОВ

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ НАВРЎЗ БАЙРАМИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ СЎЗИ

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда табиат уйғониб, баҳор келиши билан она юртимиз — Ўзбекистонимиз заминига Наврўзи олам кириб келмоқда.

Ҳаммамиз орзиқиб кутадиган, янгиланиш ва яшариш, шоду хуррамлик рамзи бўлган ана шундай энг кўҳна, олижаноб байрам билан сиз, азизларимни, бутун халқимизни чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошларим!

Барчамизга маълум, дунёда бир-биридан буюк, бир-биридан ажойиб байрамлар кўп. Лекин улар орасида Наврўз айёми ўзининг қадимийлиги, табиатимизга уйғунлиги ва гўзаллиги билан, маъно-мазмунининг теранлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

Ва айни шунинг учун ҳам уйғониш ва яшариш тимсоли бўлмиш бу буюк айёмни ҳар бир хонадон, ҳар бир оилада бағрини кенг очиб, **"Хуш келибсан ўлкамизга Наврўз, қадаминг кутлуғ бўлсин!"** деб, энг катта орзу-ниятлар билан кутиб оладилар.

Ҳақиқатан ҳам, минг йиллар аввал — "Авесто" даврида пайдо бўлган Наврўзи олам бизнинг халқимиз учун энг кўҳна, асл миллий, шарқона янги йил дебочаси сифатида доимо соғиниб, ардоқлаб қарши оладиган, ҳар қайси уйга шодлик ва хурсандчилик олиб келиши, ўша замонлардан буён халқимизга мансуб бўлган анъана ва қадриятларни безавол сақлаб келиши билан **барчамизга қадрли ва азиздир.**

Кўклам айёми келиши билан аждодларимиз, ота-боболаримиз ризқу рўзини тилаб, қўш ҳайдаб, далага дон сочиб, ям-яшил адирларда от чоптириб, Наврўз сайилларини ўтказгани худди кечагидек бўлиб туюлади ва барчамизни беихтиёр ана шу байрамона кайфиятга берилиб кетишга ундайди.

Айни шу кунларда маҳалла-кўй дошқозонлар атрофида жамулжам бўлиб, аёлларимиз, момоларимиз тунни тун демасдан, ҳеч чарчамасдан, эзгу ният, завқ ва хурсандчилик билан **инсонга куч-қувват берадиган сумалак ва ҳалим, кўксомса ва гўжа каби тансиқ неъматларни тайёрлаб,** уларни ўз оиласи ва дўсту биродарлари билан баҳам кўриши каби ота-боболаримиз, аждодларимиздан қолган бетакрор анъана ва одатларимиз юртимизга, уйларимизга кириб қолгандек, ўзимизни эса атроф-табиатимизнинг ажралмас бир қисмидек ҳис қиламиз.

Ана шу дилбар фаслда инсонларнинг бир-бирига меҳрибонлик кўрсатиши, беморларга, муҳтож бўлганларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби ноёб фазилатлар албатта одамнинг кўнглини юмшатади, доим яхшиликка интилишга, ўзаро меҳр-оқибатли бўлишга чорлайди.

Наврўзи оламнинг яна бир бетакрор хислати борки, у ҳар қайси уй, ҳар қайси юртда, бутун ер юзида тинчлик ва осойишталик бўлишига даъват этади.

Бу айёмда турли гина ва аразлар унутилади, уруш ва жанжаллар тўхтайди, муросаи мадора, аҳиллик, одамийлик қарор топади.

Азиз юртдошлар, қадрдонларим!

Шулар ҳақида гапирганда, Наврўзнинг бундай ўлмас ғоялари, руҳи ва фалсафаси ҳозирги кунда тобора кучайиб бораётган қарама-қаршиликларни, турли можаро ва урушларни фақатгина сиёсий ва тинчлик йўли билан ечиш кераклигига даъват этишини, уни айнан бугунги ҳаётимизнинг энг ўткир, энг долзарб муаммолари билан узвий боғланганини яна бир бор тасдиқлаб беради.

Бизга, ўзбек халқига нима керак — тинчлик ва омонлик керак, деган даъват эл-юртимиз орасида тобора кенг тарқалиб бормоқда. Бунинг асосий маъноси — бугунги нотинч, кескинлашиб бораётган замон барчамиздан ҳушёр ва огоҳ бўлишни талаб этаётганини, тинч ва осуда ҳаёт учун, мана шу мусаффо осмон учун курашиш, бутун дунё билан ҳамжиҳат ва ҳамкор бўлиб яшашни билдиради.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги Наврўз шодиёнамизда иштирок этаётган барча чет эллик меҳмонларимизга, хорижий элчихоналар ва халқаро ташкилотларнинг вакилларига сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан чуқур ҳурмат ва миннатдорлик билдириб, уларнинг мамлакатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, фаровонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Бугун катта умид ва ишонч билан ҳаётга кириб келаётган, ўз фикрига, замонавий билимга эга, Ватанимизнинг эртанги куни учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган сиз, навқирон ўғил-қизларимизга, сизларнинг тимсолингизда бутун Ўзбекистон ёшларига қарата айтмоқчиман: **биз ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаганмиз ва ҳеч қачон ҳеч кимдан кам бўлмаймиз!**

Кўзлаган мақсад-муддаоларимизга албатта етамиз!

Азиз ва муҳтарам ватандошларим!

Барча-барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги гўзал айём билан қутлаб, қалбимдан, юрагимдан чиқадиган самимий тилакларимни изҳор этмоқчиман.

Наврўз ҳар бир оила, ҳар бир хонадонга, бутун юртимизга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака олиб келсин!

Эзгу орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗДЕК ЗАВҚЛИ БЎЛСИН

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида Наврўз умумхалқ байрамига бағишланган тантаналар бўлиб ўтди

Баҳорни севмайдиган, соғиниб кутмайдиган одам бўлмаса керак. Чунки у оламга илиқлик, тиниқлик олиб келади. Қуёш чарақлаб кўнгилларни ёриштиради. Табиат уйғониб, атроф гўзалликка бурканади. Қушлар чуғури жилғалар овозига жўр бўлади. Майин шаббода гулларнинг тотини олиб қочади...

Баҳор севимли ва ардоқли байрамимиз Наврўзни бошлаб келади.

Давлатимиз раҳбарининг "2015 йилги Наврўз умумхалқ байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, юртимизнинг барча ҳудудларида бу айёмга ҳар томонлама пухта ҳозирлик кўрилди. Халқимиз бу кунни янги муваффақиятлар ва янги умидлар билан кутиб олмоқда. Шундай фаровон кунларга, байрамларга етганига шукроналар айтиб, хурсандчилик қилмоқда.

21 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият ва санъат намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, табаррук кексалар, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига йиғилганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб олади.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Президентимиз халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Майдон узра ҳаёт мўъжизаси — табиат уйғонишини мадҳ этувчи наво таралади. Улкан мониторларда юртимизнинг гўзал манзаралари — ям-яшил боғлар, пурвиқор тоғлар, замонавий иншоотлар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Юракларни энтиктириб қадим ва қадрдон наволар янграйди. Миллий қадриятларимизни асраб-авайлаб, аждодларимиз маънавиятини мужассам этиб асрлар қаридан келади бу қўшиқ.

Истиқлол йилларида халқимизнинг бой қадриятлари, маънавий ва маданий мероси тикланди. Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Жалолиддин Мангуберди, Алишер Навоий ва бошқа улуғ боболаримизнинг юбилейлари кенг нишонланди. Абдухолиқ Ғиждувоний, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Аҳмад Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний каби буюк аждодларимиз қадамжолари обод этилди, ҳаёти ва бебаҳо мероси ўрганилмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Қарши, Термиз, Тошкент, Марғилон сингари муаззам шаҳарларимиз юбилейи халқаро миқёсда тантана қилинди. "Авесто"нинг 2700 йиллиги, "Алпомиш"нинг 1000 йиллиги, Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигини нишонлаш асосида тарихимиз янада теран ўрганилди, шаҳарсозлигимиз, маданиятимиз илдизлари тадқиқ этилди.

●○●●●●●●●▶2

▽2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

ФАХРИЙЛАРГА ЭҲТИРОМ КЎРСАТИЛМОҚДА

Наврўз байрами куни Жиззах шаҳар Ўратепалик маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Мусажон Йўлдошевнинг хонадони ҳар қачонгидан гавжум бўлди. Вилоят ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Нуроний" жамғармаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят бўлимлари вакиллари, маҳалладошлар ва ёшлар отахонни уйғониш ва меҳр-саховат айёми билан табриклаб, совға-саломлар топширди.

Иккинчи жаҳон урушининг азоб-уқубатларини бошидан кечирган М.Йўлдошев урушдан кейин қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқ йиллар меҳнат қилди. Отахон 93 баҳорни қарши олаётган бўлса-да, фикри тиниқ, қадам олишлари тетик. Фарзанду набиралар даврасида пиру бадавлат яшаётир.

— Давлатимиз томонидан биз, кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат-эҳтиромдан ўзимни гўё яшариб кетгандай ҳис қилмоқдаман, — дейди Мусажон ота. — Дунёда тинчликдан улуғ, хотиржамликдан азиз неъмат йўқ. Раҳбари одил, халқи меҳр-оқибатли юртда тинчлик барқарор бўладида. Бугунги эзгулик байрамида йўқлаб келганларнинг барчасидан миннатдорман. Шундай доруломон кунларга етказгани, озод ва обод Ватанда яшаш насиб этгани учун беҳад шукрлар бўлсин.

Жиззах вилоятининг барча шаҳар ва туманларида кексаларни қадрлашга бағишланган шундай тадбирлар бўлиб ўтмоқда. Байрам муносабати билан ҳокимлик ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳалла фаоллари томонидан 108 нафар уруш иштирокчиси ва 100 ёшдан ошган табаррук инсонлар, ёлғиз қариялар, ногирон ва беморлар ҳолидан хабар олиниб, байрам совғалари топширилди. Кексалар юртимизга тинчлик-осойишталик, халқимизга фаровонлик, ёшларга бахтиқбол тилаб дуо қилмоқдалар.

Т.БЕКНАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

▽Сайлов — 2015

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида Президент сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиш мақсадида мамлакатимизга келган халқаро кузатувчилар билан учрашувлар бўлиб ўтди.

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов Латвия Марказий сайлов комиссияси раиси Арнис Цимдарс билан учрашувда мамлакатимизда сайловларни очиқ-ошкора, эркин ва адолатли ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнларида фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асослар яратилганини таъкидлади. Бу фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўлиқ амалга оширилишига, Ўзбекистоннинг демократия йўлидан изчил бориб, юксак марраларни эгаллашига замин яратмоқда.

2014 йил 16 апрелда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (32, 78, 93, 98, 103 ва 117-моддаларига)"ги қонун сайловларни демократик, очиқ-ошкора ўтказиш, унда қонунийликни ҳар томонлама таъминлашнинг муҳим кафолати бўлди. Қонунда Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини шакллантиришнинг демократик тизими, унинг фаолиятига доир асосий принциплар конституциявий норма тарзида мустаҳкамлаб қўйилди.

●○●●●●●●●▶2

2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ҲАР КУНИМИЗ НАВРЎЗДЕК ЗАВҚЛИ БЎЛСИН

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

2014 йил 15-16 май кунлари Самарқандда ўтган "Ўрта асрлар Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий мероси, унинг замонавий цивилизация ривожидаги роли ва аҳамияти" мавзусида халқаро конференция дунёда буюк аждодларимизнинг даҳосига ҳурмат-эҳтиром, уларнинг бой илмий меросини ўрганишга қизиқиш ҳамиша баланд бўлганини кўрсатди. Унда иштирок этган олимлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, илмий марказлар ва институтлар мутахассислари Ўзбекистон алломаларининг дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссасини яна бир бор эътироф этди.

Наврўз мамлакатимизда яшаётган миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча юртдошларимиз учун севимли байрамга айланган. Чунки у тинчлик, омонлик, аҳиллик байрами.

Бу ҳамжиҳатлик байрам саҳнасида ҳам ўз ифодасини топади. Турли тиллардаги куй-қўшиқларда юртимиздаги миллатлараро тотувлик, умумбашарий қадриятлар намоён бўлади. Ўзбекистонимизнинг озодлиги ва тинчлиги, халқимизнинг бирлиги ва бағрикенглиги, дўстлик ва муҳаббат таннум этилади.

Тинч-осойишта элда байрамлар бўлади, ҳаловатли халққа хурсандчилик ярашади. Мамлакатимиз мустақилликнинг илк йилларидан тинчликпарвар сиёсат юритиб келмоқда. Ўзбекистон ҳеч қандай ҳарбий блокларда иштирок этмайди. Давлатимиз ташқи сиёсати миллий манфаатларнинг устуворлиги, халқаро ҳуқуқ меъёрларига риоя этиш, баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тамойилларига асосланади.

Мамлакатимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори тобора ошиб бормоқда, барча соҳаларда улкан ютуқ ва марраларга эришилмоқда. Энг ривожланган давлатлар, дунёга донғи кетган компаниялар юртимиз билан ҳамкорликка интилмоқда.

Иқтисодиётни таркибий ўзгартириш борасида амалга оширилган ислоҳотлар самарасида автомобилсозлик, нефт ва газни қайта ишлаш, замонавий маиший техника, компютер ва мобил телефонлар ишлаб чиқариш каби янги саноат тармоқларига асос солинди. Озиқ-овқат, енгил саноат, кимё, қурилиш материаллари саноати корхоналари модернизация қилинди. Бугун уларда тайёрланган маҳсулотлар аҳоли эҳтиёжини тўла таъминлаб, дунё бозорларини ҳам забт этмоқда.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон иқтисодиёти 5 баробардан зиёд ўсди. Аҳоли даромадлари жон бошига ўртача 8,7 баробар кўпайди. Мамлакатимизнинг экспорт ҳажми ва олтин-валюта захиралари барқарор суръатлар билан ошиб бораётгани бугун ривожланган давлатларнинг ҳам ҳавасини тортмоқда.

Жаҳон миқёсидаги глобал молиявий-иқтисодий инқироз давом этаётганига қарамасдан, саноқли мамлакатлар қаторида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръатлари кейинги 10 йил давомида 8 фоиздан зиёд бўлиб келмоқда. Жорий йилда ҳам ана шундай юксак ўсиш суръатлари кутилаётир.

Бу мустақилликнинг илк йилларида асос солинган ва халқимиз кенг қўллаб-қувватлаган тараққиётнинг "ўзбек модели" самараларидир. Иқтисодиётнинг мафкурадан холилиги ва сиёсатдан устунлиги бозор эркинлигини таъминламоқда. Давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини бажариши барча соҳаларни изчил ва уйғун ривожлантириш имконини бермоқда. Қонун устуворлиги инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, барқарорликни мустаҳкамлашда муҳим омил бўлмоқда. Кучли ижтимоий сиёсат халқимизга моддий ва маънавий мадад бераётир.

...Саҳнага болакайлар чопиб келади. Майдон шўхшодон кулгуга тўлади. Уларнинг беғубор чеҳраси, ёниб турган кўзлари, жарангдор куй-қўшиқлари барчага завқ-шавқ бағишлайди.

Халқимиз аввало фарзандлар камолини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Бу менталитет давлатимиз сиёсати, мамлакатимизнинг стратегик мақсадларида ҳам ўз ифодасини топган.

Фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур, қудратли юртнинг фарзандлари соғлом бўлур, деган ғоя асосида мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Соғлом бола йили, деб эълон қилинган 2014 йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайди. "Соғлом она — соғлом бола" лойиҳаси доирасида жами 13 миллион 600 мингдан зиёд аёллар ва болалар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шифохоналар, поликлиникалар замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Жамиятимизда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, соғлом болаларни дунёга келтириш ва соғлом ўстириш, оилаларни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар изчил давом этмоқда.

Президентимизнинг 2014 йил 1 августдаги "2014-2018 йилларда Ўзбекистонда аҳолининг репродуктив саломатлигини янада мустаҳкамлаш, оналар, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш борасидаги Давлат дастури тўғрисида"ги қарори болаларимизни жисмоний ва маънавий жиҳатдан камол топтириш, ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Таълим тизими изчил ривожлантирилиб, ёшларимизнинг замонавий асосда билим олиши, касб-ҳунар эгаллаши учун кенг имкониятлар яратилмоқда. Мактабни тамомлаган ёшлар ўрта махсус таълим тизимига, лицей ва коллеж битирувчилари иш ва ўқишнинг кейинги босқичларига тўлиқ қамраб олинмоқда.

2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Таълим муассасаларининг 600 мингдан зиёд битирувчиси иш билан таъминланди.

Ёшларимиз камолоти халқаро мусобақаларда яққол намоён бўлаётир. Хитойнинг Нанкин шаҳрида бўлиб ўтган ўсмирлар ўртасидаги иккинчи Олимпия ўйинларида 28 нафар ёш спортчимиз 4 олтин, 3 кумуш, 3 бронза медални қўлга киритди. Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида спортчиларимиз 44 медалга сазовор бўлиб, Ўзбекистон ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиги ва ҳеч кимдан кам бўлмаслигини яна бир бор исботлади.

...Наврўз томошалари кўтаринки руҳда давом этади. Фолклор-этнографик ансамбларнинг чиқишлари, халқ ўйинлари байрамни янада қизитади. Уларда халқимизнинг бой маданияти, турмуш тарзи ва қадриятлари ўз аксини топади. Куйлар қўшиқларга, қўшиқлар жўшқин рақсларга уланади.

Наврўз қадимдан деҳқончилик мавсумининг бошланиши ҳисобланган. Ота-боболаримиз айни шу паллада эл-юрт дастурхони тўкин бўлсин, деган ниятда ерга барака уруғини сочганлар.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатлари жорий этилгани, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очилгани, уларнинг меҳнатга муносабати юксалгани самарасида озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш йилдан-йилга кўпайиб бормоқда. Саноат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи уларни қайта ишлаш, элимиз дастурхонига етказиб беришда муҳим омил бўлаётир.

Бугун бозорларимизда йўқ нарсанинг ўзи йўқ. Дастурхонларимиз тўкин ва фаровон, уйларимиз обод, файзли.

Мамлакатимиздаги бундай фаровонлик, мўл-кўлчиликка бутун дунё ҳавас қилмоқда. 2014 йил 6 июнда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим захиралари" мавзусидаги халқаро конференцияда қатнашган хорижлик мутахассислар ва ишбилармонлар буни алоҳида эътироф этди.

Ўтган йили мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги тарихида биринчи марта 8 миллион 50 минг тонналик ғалла, 3 миллион 400 минг тоннадан зиёд пахта хирмони бунёд этилгани элу юртимизга файзу барака ёғилаётганидан яна бир далолат бўлди.

Бу файзу тароват шаҳару қишлоқларимиздаги ободликда ҳам намоён. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ишлари, айниқса, қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар Ватанимиз чиройига чирой қўшмоқда. Халқимизнинг миллий ҳаёт тарзи, юртимиз табиатига мос равишда, замонавий муҳандислик коммуникациялари асосида кенг, ёруғ ва қулай этиб қурилган ушбу уй-жойлар оилаларнинг ҳаёт сифатини оширмоқда, айниқса, хотин-қизларнинг оғирини енгил, мушкулини осон қилмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлашга оид дастурларга мувофиқ, ёш оилаларга топширилаётган "Камолот" уйлари уларнинг оёққа туриб олиши, ҳаётда ўз ўрнини топиши ва фарзандларини баркамол этиб тарбиялаши учун рағбат, катта мадад бўлмоқда.

Мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорлик барча соҳалар қатори туризм ривожида ҳам муҳим омил бўлмоқда. Дунёга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий туризм инфратузилмаси ва юқори сифатли хизмат дунё сайёҳларини ўзига жалб этмоқда.

2014 йилнинг октябрида Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси ўтказилди. Бу халқаро майдонда Ўзбекистон обрўсининг тобора ошиб бораётгани, мамлакатимизнинг улкан сайёҳлик салоҳияти жаҳон ҳамжамияти томонидан юксак эътироф этилаётганининг яна бир далолати бўлди. Ушбу анжуман жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди.

...Байрам тантанаси янада қизийди. Мониторларда улоқ-кўпкари, кураш, арқон тортиш, тош кўтариш, дорбозлик каби элимизнинг завқли анъаналари намойиш этилади. Дошқозонларда тўқчилик, мўл-кўлчилик рамзи сифатида сумалак, ҳалим ва гўжа тайёрланади. Ўланчию лапарчилар Ватан, Наврўз, табиат ҳақида қўшиқлар айтади.

Наврўз фаслида инсон ўзини табиатнинг ажралмас, узвий бир қисми сифатида ҳис этади. Атроф-муҳитни, она заминни эъзозлаб, унинг неъматларини қадрлаб яшаш кераклигини теранроқ англайди.

Халқимиз азалдан табиатни севиб, ардоқлаб яшаган. Мамлакатимизда атроф-муҳитни асраш, барқарор ривожланишга эришиш борасида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Урганч шаҳрида "Орол денгизи минтақасидаги экологик офат оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликни ривожлантириш" мавзусида ўтказилган халқаро конференция бу борада яна бир муҳим қадам бўлди. Унинг натижалари Оролбўйи минтақасида экологик ва ижтимоий-иқтисодий аҳволни яхшилаш, ушбу экологик офатнинг салбий оқибатларини камайтириш учун халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришда алоҳида аҳамият касб этди.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ юртимизда демократик янгиланишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, сайлов тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонунлар қабул қилинди, Конституциямиз ва қатор қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Бунинг самарасида сайловларнинг халқаро нормаларга тўла мос ҳолда ўтказилишини таъминлайдиган мукаммал қонунчилик базаси шакланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар ана шундай ривожланган шароитда, демократик принципларга тўла мос равишда ўтди. 2014 йил 21 декабрда бўлиб ўтган ушбу тадбирда аҳолининг сиёсий онги ва фаоллиги ортиб бораётгани намоён бўлди.

Шу кунларда халқимиз яна бир муҳим сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арафасида турибди. Мамлакатимизда бу тадбирга катта тайёргарлик кўрилди. Сайлов кампанияси миллий қонунчилигимиз ва халқаро демократик тамойилларга тўла мос равишда олиб борилмоқда. 29 март куни халқимиз ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиб, мамлакатимиз тинчлиги ва тараққиёти, фарзандлари келажаги учун овоз беради.

— Ҳиндистон ва Ўзбекистон халқларининг тарихи туташ, маданияти ўхшаш, — дейди Ҳиндистон Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Викрам Кумар Дораисвами. — Бундай яқинлик мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда. Наврўз шарқона йилбоши ҳисобланади. Шу боис бу кун ўзаро дўстлик ва ҳамкорлигимиз янада мустаҳкамланишини ният қилмоқдаман. Бу йил халқларимизга янги-янги муваффақиятлар, бахт ва фаровонлик олиб келсин. Наврўз барчамизга муборак бўлсин.

Наврўзнинг руҳи ва фалсафасида тенглик ва тотувлик, меҳру оқибат, хайру саховат мужассам. Наврўз кунларида эл-улус очиқ юз билан бир-биридан хабар олади. Беморлардан ҳол-аҳвол сўрайди. Ёши улуғ инсонларни эъзозлаш, кўмакка муҳтожларга беғараз ёрдам бериш кенг тус олади.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб эълон қилиниши ёши улуғ инсонларга алоҳида ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, саломатлигини асраш, бой ҳаётий тажрибасидан ёшлар камолоти йўлида самарали фойдаланиш халқимизнинг эзгу қадриятига айланганини яна бир бор тасдиқлади.

Иқтисодиётимизнинг жадал ва барқарор ривожланаётгани аҳоли турмуш даражаси ва сифатини муттасил оширишга асос бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар йили уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилганларга бепул тиббий хизмат кўрсатилмоқда, улар санаторий-курортларда даволанмоқда, бошқа зарур воситалар билан таъминланмоқда.

Жорий йилда бу борадаги ишлар кўлами янада кенгаймоқда. Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрдаги "1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони, "Кексаларни эъзозлаш йили" Давлат дастурида жорий йилда амалга ошириладиган хайрли ишлар белгилаб берилган. Мазкур дастур кексаларнинг ҳаётини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, ёши улуғ инсонлар, айниқса, уруш ва меҳнат фронти фахрийларига ижтимоий, пенсия таъминоти ва тиббий хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, оила ва жамиятда уларнинг ўрнини мустаҳкамлашга қаратилган.

Наврўз ободлик, ораслалик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам байрамни ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкламзорлаштириш ишлари авжига чиқди.

Байрам арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилди. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшади, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Майдон узра таралган куй-қўшиқларда Наврўз, Ватан, тинчлик, ёшлик, севги ва садоқат таранним этилади...

Қиру адирларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, юртимиз бўйлаб Наврўз нашидаси кезмоқда. Шаҳар ва қишлоқларимизда, бепоён дашту далаларда байрам шодиёналари, сайиллар давом этмоқда.

Анвар САМАДОВ,
Дилшод КАРИМОВ,
ЎзА мухбирлари.
ЎзА фотомухбирлари
Сарвар ЎРМОНОВ,
Аъло АБДУЛЛАЕВ олган суратлар

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА УЧРАШУВ

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, сайлов кампанияси жараёнида Президентликка номзодларга тенг шароит ва имкониятлар таъминланмоқда. Сайлов участкаларида сайловчиларнинг сайлов билан боғлиқ маълумотлар билан танишиши учун барча имконият яратилган.

— Ўзбекистон сайлов тизими, сайлов қонунчилиги ҳақида кўплаб маълумотларга эга бўлдим, — дейди Арнис Цимдарс. — Сайловни юқори савияда ўтказиш учун барча тайёргарлик ишлари кўрилган.

***

Шу куни Марказий сайлов комиссиясида Ҳиндистондаги "Бҳаратия Жаната" партияси мувофиқлаштирувчиси Вижай Жолли билан ҳам учрашув бўлиб ўтди. Унда Марказий сайлов комиссиясининг олиб бораётган ишлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслардан мустақил тарзда олиб бориши, унинг фаолиятига аралашишга йўл қўйилмаслиги ва бундай аралашув қонунга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши сайловларни демократик тарзда ўтказишга йўл очмоқда.

— Ўзбекистонда сайловларни халқаро демократик талаблар асосида ўтказиш учун барча ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлар яратилган, — дейди Вижай Жолли. — Бунга ўтган йили декабр ойида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига бўлиб ўтган сайлов жараёнини кузатиб амин бўлганман. Бу ҳақдаги ўз хулосаларимни «Ўзбекистон-Ҳиндистон: дўстлик, ривожланиш, юксалиш йўлида» рисоласида баён этдим. Президент сайлови ҳам юқори савияда ўтишига ишонамиз. Сайловга тайёргарлик жараёни ҳамда халқингизнинг фаоллиги шундан далолат бериб турибди.

Учрашувлар якунида меҳмонларга халқаро кузатувчи мақомини берувчи мандатлар топширилди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири

"ЛОКОМОТИВ"ДА БАЙРАМ САЙЛИ

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги "Локоматив" истироҳат боғи Наврўз куни янги мавсумни бошлади.

Халқимизнинг мароқли ҳордиқ чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш, истироҳат боғларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

"Локомотив" истироҳат боғи шаҳар аҳли, пойтахтимиз меҳмонлари, айниқса, ёшларнинг севимли масканига айланган.

— Боғдаги аттракционлар тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, махсус техник назоратдан ўтказилди, — дейди истироҳат боғи муҳандиси Мирсаид Фозилов. — Болалар майдончаси янгидан барпо этилди. Улар арғимчоқлар, турли ўйин қурилмалари билан таъминланди. Уч юздан ортиқ манзарали дарахт, минг туп гул кўчати ўтказилди.

Кенг кўламли ободонлаштириш ишларидан сўнг янада кўркам қиёфа касб этган ушбу масканда ўттиздан ортиқ аттракцион болалар ихтиёрида. Айниқса, "Мевали довул", "Қувноқ вокзал", "Ракета", "Делфин" сингари арғимчоқлар болаларга манзур бўлмоқда.

— Шундай тинч-осойишта, дориломон кунларимизга ҳар қанча шукроналар айтсак оз, — дейди Қибрай туманидаги "Зиёкорлар" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Турғунбой ота Ўтанов. — Турмуш ўртоғим билан ўн нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказдик. Неваларимни боғда сайр қилишга олиб келдим. Илоҳо, гўзал, тинч юртимизга кўз тегмасин!

ЎзА.
ЎзА фотомухбири
Муҳаммад АМИН олган сурат

2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши

Азиз халқимизни баҳор ва янгиланиш айёми — Наврўзи олам билан табриклайди.

Баҳорий кайфият, мустаҳкам соғлик, хонадонингиздан файзу-барака, тинчлик ва хотиржамлик ҳеч қачон аримасин. Халқимиз турмуши обод бўлиши йўлида олиб бораётган эзгу ишларингизда омад ва зафарлар ёр бўлсин!

Ўзбекистон давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини нафосат ва гўзаллик айёми — НАВРЎЗИ ОЛАМ билан қутлайди.

Кўнгилларни қувнатувчи баҳорий шукуҳ, оилангизда тинчлик-хотиржамлик, соғлик-омонлик, рўзғорингизда тўкинчилик бардавом бўлсин!

Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Фидокор халқимизни ва барча тармоқ ишчи-хизматчиларини баҳор ва нафосат байрами — Наврўз билан табриклайди.

Кўклам нафаси уфуриб турган ушбу яшариш палласида фаровонлик, тинчлик-омонлик ва бахт-саодат, эл-юрт ободлиги йўлидаги олижаноб ишларида муваффақиятлар тилайди!

ХАЙР, АЯМАЖУЗ, АССАЛОМ, НАВРЎЗ!

Бола бобоси ётган хонага шошиб кирди-да, тез-тез гапира бошлади:

— Қор ёғаяпти, кечагина бойчечаклар очилиб, бодомлар гуллаганди. Энди нима бўлади, бобо? Эртаги экинларни экиб қўйгандик.

Бобо тажрибасиз неварасига қараб кулимсиради:

— Ҳеч нарса бўлмайди. Аямажузда, болам, қор тушга бормай эриб кетади...

Наврўз арафасидаги аямажуз кунларини кўриб, табиатнинг нақадар одиллигига, унинг ҳар бир ҳолатида улуғлик намоён эканлигига имон келтирасиз. Ахир кечагина ҳаво қанчалар ёқимли ва мўътадил эди, унинг меҳри билан иссиқ ҳудудларда бодом ва ўрик дарахтлари қийғос гуллаганди-да! Бойчечаклар лабидан кулгулар порлаганди... Бевафо ёрнинг бир марта илтифот кўрсатиб, кейин лабини буриб кетганидай бу кунларнинг турланишига бир қаранг! Қор учқунлаб, сал ўтмай лайлакқорга айланади... Бу биринчи марта эмас, шоир айтганидай,

"Ҳар баҳорда шу бўлар такрор...".

Болаларни ҳайрон қолдирган аямажузнинг турланишини кекса момоларимиз шундай таърифлайди: "Эмишки, аямажуз баҳорга ўрнини бўшатиб бераётиб, қишга ҳам дўқ урармиш: "Тўқсон болам, бир кунимча йўқсан, болам..."

Момолар яна тўқийди денг:

— Аямажуз олти кун, қаҳрланса қаттиқ кун...

Уларнинг айтганича бор-да, баъзи йилларда бу кунда қор, бўрон заптига олиб, дўл-ёмғир ёғади. Ўтинларни нам қилиб, оқарган тандирларни уйдан хамир олиб чиқаман деганча совутиб ташлайди.

Момоларнинг илҳоми роса жўшади:

— Тандир совуқ, пишмай қолар кулчалари, Нон беринг, деб йиғлашади бачалари.

Аммо аямажуз қанчалар қаҳр қилмасин, меҳри ҳам шунчалар иссиқ. Ҳаял ўтмай қуёш порлаб, новдаларга қўнган қорларни эритиб юборади. Шохлардаги гуллар ҳеч нарса кўрмагандай майин елда тебрана бошлайди. Ва... Ёмғирнинг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарахтлар гуллашидан мевалар етилгунча, ўсимликлар униб чиқиб, такомиллашгунча, қўйингки, бутун йилга хизмат қилувчи Наврўз айёми бошланади.

Наврўз муносабати билан одамлар ободончилик ишларини бошлайди. Дарахт ва гул кўчатлари ўтқазади. Дастурхон кўклам таомлари билан файзиёб бўлади. Дошқозонларда сумалак қайнаб, бахшиларимиз баҳор, Наврўз ҳақидаги термаларини бошлайди. Ҳар гўшада баҳорий байрам кўтаринки руҳда ўтказилади.

Мамлакатимизнинг тоғли ҳудудларидан бири Ғаллаорол туманидаги Хонимқўрғон қишлоғида, айниқса, бу сайил ўзгача нишонланади. Унда қадимий уй-рўзғор буюмлари — мис кўза, сопол қумғон, обдаста, дастшўй сингари ҳунармандчилик намуналарини кўриб, қувонасиз. Аҳоли уларни кўз қорачиғидай асрайди ва Наврўз сайлида олиб чиқиб, кўргазма ташкил этади...

Ҳа, аямажузнинг инжиқликлари одамларнинг меҳри билан эриб, эзгу ниятларимиз тоғ чашмалари мисол қайнаганча кўнгилларда фақат бир гап такрорланади: хайр, аямажуз, ассалом, Наврўз!

Пардабой ТОЖИБОЕВ

Гулфасл илҳоми

Баҳор келди

Ўлкамга сепин ёйиб,
Гўзал навбаҳор келди.
Алвон гуллар очилиб,
Ирмоқлар сувга тўлди.

Тонг саҳардан қушлар ҳам,
Чуғурлашиб сайрайди.
Табиат чиройидан
Кўнглим бирам яйрайди.

Ариқлар сувга тўлиб,
Ўйнаб-ўйнаб оқади.
Бундай гўзал манзара,
Дилга ажиб ёқади.

Эрта тонгдан шабада,
Бирам майин эсади.
Қалбларга ором бериб,
Баҳор фасли кезади.

Бегмат БОБОРАҲМАТОВ

2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«МУБОРАКНЕФТГАЗ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Юртдошларимизни **Наврўзи олам** *билан қизғин табриклайди! Тинч ва осуда диёримиз янада гуллаб-яшнасин.*

Фаровонлик, бахт ва тоза хонадонимизни асло тарк этмасин!

«ТАЛИМАРЖОН ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» УНИТАР КОРХОНАСИ

Юртимиз аҳлини баҳор ва гўзаллик байрами – Наврўз билан табриклайди!

Қалбларни кўклам тароватн, баҳорий кўтаринки кайфият доимо мунаввар этсин!

«МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ» УНИТАР ШЎЪБА КОРХОНАСИ МАЪМУРИЯТИ ВА КАСАБА УЮШМА ҚЎМИТАСИ

Халқимизни янгиланиш ва яшариш айёми – Наврўзи олам билан қутлайди! Меҳнатдан бахтини топган юртдошларимизнинг ҳар куни байрамдек ўтсин!

Мамлакатимизнинг тараққиёт йўлидаги одимлари бардавом бўлсин!

Реклама ва эълонлар

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ 15-СОН ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАР БИРЛАШГАН ДИРЕКЦИЯСИ 2015 ЙИЛ МАНЗИЛ ДАСТУРИГА КИРИТИЛГАН ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ҚАЙТА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Сардоба туманидаги лоток тармоқларини реконструкция қилиш:

Бошланғич нархи ҚҚС билан — 2 876 388 006 сўм.

Бошланғич нархи ҚҚСсиз — 2 396 990 005 сўм.

Қурилиш муддати 14 ой (2015-2016 йиллар).

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Республика бюджети ҳисобидан амалга оширилади.

Буюртмачининг манзили: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри Ш.Рашидов кўчаси. -127, тел: 0 (367) 225-11-30, 225-13-42.

Талабгор сифатида қатнашаётан корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: ҳисоб рақамида танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 % миқдоридаги айланма маблағлари бўлиши, ёки кўрсатиб ўтилган маблағга банк кафолатномаси бўлиши, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари, ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги бўлиши шарт.

2014 йил 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов савдоларида фақатгина қурилиш пудрат ташкилотлари реестрига киритилган пудратчи ташкилотлар иштирок этишларига рухсат берилади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-уйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин: ***Тел (факс): (8 3672) 27-64-42.*** **Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи 158 300 сўм.** Таклифлар (Оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда берилган кундан бошлаб 15 кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ қуйидагиларни маълум қилади!

Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 12 февралдаги 17кПО-сонли буйруғига асосан, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖнинг очиқ аукцион савдоларига чиқарилган Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон майдони, Ғарбий томон, 13-«А»уй манзилида жойлашган Пойтахт бизнес мажмуасининг бино қисми аукцион савдоларидан олинганлигини маълум қиламиз.

Асос: Давлат рақобат қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2015 йил 19 мартдаги 40-кПО-сонли буйруғи ва 2015 йил 19 мартдаги 06/66 х/х-сонли хати.

Манзилимиз: Тошкент ш., Олмазор т., Қорақамиш-1 кўчаси, 1-«А»уй. Тел:(0371) 228-80-26. Лицензия: RR-0001

Хизматлар лицензияланган.

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 21 апрел куни соат 11:00 да ташкил қилинадиган савдоларга Ғиждувон тумани «Йўл қурилиш ва таъмирлаш» масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган такрорий «Аукцион» савдоларига жамият ҳисобидаги қуйидаги автотранспорт воситалари ЛОТ тартибида ҳар бири алоҳида мулк сифатида қўйилмоқда.

ЛОТ №	Автотранспорт воситалари ва техникалари номи	Ишлаб чиқарилган йили	Давлат рақами белгиси	Бошланғич баҳоси (сўм)
1	МАЗ-54331 юк автомашинаси	1992	80/928 КАА	16 583 040
2	МАЗ-504 юк автомашинаси	1986	80/881 DAA	6 218 640
3	МАЗ-503 юк автомашинаси	1966	80/931 КАА	4 145 760
4	М-412 СНГ автомашинаси	1990	80/932 КАА	641 014
5	ЮМЗ трактори	1973	34-22 БГ	4 250 000
6	Грейдер ДЗ-143	1984	-	30 000 000
7	Т-34 (погрузчик)	1983	34-25 БГ	10 000 000
8	Бултозер ДЗ-101	1988	80/649 АА	10 000 000
9	Мотокаток ДУ-48	1977	80/648 АА	10 000 000
10	Экскаватор ЭО-55л	1989	80/647 АА	12 000 000
11	Трайлер ТАС-2000	1971	14-80 ЕЗ	10 000 000
12	Битумовоз БМ-7	1971	40-96 БВ	6 000 000
13	Тиркама 2ПТС4-793 (площадка)	1986	80/769 АА	1 300 000
14	Тиркама 2ПТС4-793	1986	80/772 АА	1 300 000
15	Тиркама ЁММ таркатувчи	1985	80/774 АА	2 777 700
16	Тиркама ВУ-3А-3,5t (сув)	1985	80/773 АА	830 000
17	ГКБ (полуприцеп)	1988	21 В 234	13 500 000
18	ППС14 МТП 8 тиркамаси	1987	80/1215 АА	2 200 000

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 5 (беш) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига!

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган сана кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устав нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР: 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Аукцион савдолари ўтказилмаган тақдирда мулклар 2015 йил 28 апрел кунлари бўлиб ўтадиган савдоларга такроран қўйилади.

Буюртманоларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO'CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзил: Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси 10-уй. (4-қават). Тел: (0-365) 221-59-24.

E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома № 006263. **Хизматлар лицензияланган.**

«TURKISTON IXTISOSLASHGAN AUKTSION SAVDO» МЧЖ

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига «VIP SERVIS NBU» маркази унитар корхонаси томонидан Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Уч қаҳрамон кўчаси, 75-уй (гараж: Муродов кўчаси, 1-"А" уй) манзилида сақланаётган 2000 йилда и.ч, д/р 01 536 FBA, бошланғич нархи 28 050 000 сўм бўлган, 2000 йилда и.ч, д/р 01 537 FBA, бошланғич нархи 27 890 000 сўм бўлган, 2000 йилда и.ч, д/р 01 538 FBA, бошланғич нархи 27 880 000 сўм бўлган уч дона ПАЗ-32053-07 русумли автобуслар, 2000 йилда и.ч, д/р 01 149 ODA, бошланғич нархи 32 020 000 сўм бўлган ДЭУ Биг Магнус русумли, 2001 йилда и.ч, д/р 01 227 VBA, бошланғич нархи 17 930 000 сўм бўлган Нексия русумли, Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат "Халқбанки" Юнусобод филиалининг Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Ҳ.Олимжон кўчаси, 13-уй манзилида сақланаётган 2005 йилда и.ч, д/р 01 697 ACA, бошланғич нархи 11 997 000 сўм бўлган, Дамас русумли, Ўзбекистон Республикаси давлат тижорат "Халқбанки" Чилонзор филиалининг Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Лабиҳовуз кўчаси, 1-"Б" уй манзилида сақланаётган 2007 йилда и.ч, д/р 01 891 KCA, бошланғич нархи 16 162 000 сўм бўлган, ВАЗ 21070 русумли, »Toshkent shahar sinov va sertifikatlashtirish markazi» ДК томонидан Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Равнақ кўчаси, 1-"Б" уй манзилида сақланаётган 2000 йилда и.ч., д/р 01 926 OCA, бошланғич нархи 15 307 000 сўм бўлган Хундай Н100 русумли автотранспорт воситалари қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2015 йил 22 апрел куни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уйда, соат 11:00 да бўлиб ўтади. Автотранспорт ушбу савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари соат 11:00 да 2015 йилнинг охиригача бўлади. Аукцион якунлари савдо тугаган заҳоти савдо иштирокчиларига эълон қилинади.

Аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт билан сотувчи вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманома (ариза)ларни Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида расмий иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади ва қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилашидан бир банк иш куни олдин тўхтатилади.

Мазкур савдоларда қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ТИАСнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р20208000604941652001, МФО 00425, СТИР: 302128906.

Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел: 144-66-55.

Гувоҳнома №005424.

Хизматлар лицензияланган.

Тузатиш

«Ishonch» газетасининг 2015 йил 19 мартдаги 36-37(3542)-сонидаги «Universal Realtor» МЧЖ эълонида «ITTIFOQ-RAXIMOVA UMIDAXON», «DO'RMON-IBRAGIMOV HAMIDULLA», «TURON-DADOL», «YON-ARIQ-SAGDULLAYEV ABDUSAMAT» фермер хўжаликларига қарашли кўчмас мулк объектлари ва уларга бўлган ҳуқуқлар биринчи очиқ аукцион савдоси санасини 2015 йил 23 апрел, талабгорлардан буюртманоларни қабул қилиш 2015 йил 22 апрел куни соат 15:00да тўхтатилади деб ўқишингизни, шунингдек, такрорий аукцион савдоларини ўтказиш қисмини қуйидаги таҳрирда ўқишингизни сўраймиз: такрорий аукцион савдолари 2015 йилнинг 30 апрел, 7, 14 май кунлари соат 11:00да юқорида кўрсатиб ўтилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманоларни қабул қилиш 29 апрел, 6, 13 май кунлари соат 11:00да тўхтатилади. **Хизматлар лицензияланган.**

2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

▽ Сайлов ва ёшлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг демократик қадриятлар асосида ўтиши учун барча зарур тайёргарликлар кўрилмоқда. Айниқса, ёшларнинг бу муҳим сиёсий жараёнда фаол иштирок этишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Жумладан, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ёшларга фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари тўғрисида маълумотлар бериш юзасидан қатор тадбирлар, давра суҳбатлари ташкил қилинмоқда. "Ёш сайловчиларга маслаҳатлар" номли деворий газеталар тайёрланиб, талабалар турар жойлари, ўқув биноларига илиб қўйилди.

КЕЛАЖАК УЧУН ОВОЗ БЕРАМИЗ

— Президент сайловида биринчи бор иштирок этаман, — дейди университет талабаси Садоқат Махсумова. — Сайлов демократик ҳуқуқий давлатнинг муҳим белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини амалга ошириш шакли ҳисобланади. Сайловда юртимизда рўйхатдан ўтган тўртала партиядан Президентликка номзодлар кўрсатилганлиги, номзодларнинг дастурларидаги ғояларни аҳолига тушунтириши, ўз тарғибот кампанияларини олиб бориши учун тенг имкониятлар яратилгани сайлов демократик руҳда, барча талабларга мос равишда ўтишини таъминлайди. Бўлажак сайлов мамлакатимиз истиқболи, тараққиёти учун муҳим аҳамиятга эга. Университетимизда ташкил этилаётган учрашув ва давра суҳбатлари сайлов қонунчилигини чуқур ўрганишимиз, ўз ҳақ-ҳуқуқларимиз ва бурчларимизни англаб етишимизда катта ўрин тутмоқда.

— Мамлакатимизда сайловни ҳар томонлама демократик, очиқ, ошкора, эркин ва адолатли ўтказиш, фуқароларнинг сайлов жараёнида эркин иштирок этишини таъминлаш борасида барча ҳуқуқий асослар яратилган, — дейди талаба Оқила Баҳромова. — Университетимизда ўтказилган тадбирлар давомида сайлов бюллетенини тўлдириш, у қандай ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилиши, сайловчиларни рўйхатга олиш тартиби ва бошқа жиҳатлар ҳақида тўлиқ маълумот олдик. Маълумки, ҳар бир берилаётган овоз сайловчининг юртимиз тараққиётига қўшган ҳиссаси ҳисобланади. Фуқаро сайловда иштирок этиш, ўз хоҳиш-иродасини билдириш орқали мамлакат сиёсий ҳаётида муҳим рол ўйнайди. Шундай экан, мен ҳам жорий сайловда иштирок этиб, ўзим танлаган номзодга овоз бераман.

ЎзДЖТУ талабаси
Гулноза МИРЗАЕВА ёзиб олди.

* * *

Нигина ХУРРАМОВА,
"Шўртангазкимё" мажмуаси техник-технология хизмати сифат менежмент тизими гуруҳи муҳандиси, корхона касаба уюшма қўмитасининг ёшлар билан ишлаш комиссияси раиси:

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни, номзодларнинг сайловолди тарғиботларини юртдошларимиз билан бир қаторда кўплаб хориж мамлакатлари, халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам қизиқиш билан кузатиб бормоқда. Халқаро кузатувчилар сайлов округлари, участкаларида бўлиб, жараён билан яқиндан танишяпти.

2014 йил декабр ойида ўтган мамлакатимиз Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий кенгашларга сайловларда жами сайловчиларнинг 90 фоизга яқини иштирок этиб, ўз хоҳиш-иродасини билдирди. Ватан тараққиёти, унинг келажаги олдидаги бурчини бажарди. 29 март куни Президент сайловида илк бор иштирок этаман. Тенгдошларимни ватанимиз келажаги учун ўзлари танлаган номзодга овоз беришга чақираман.

* * *

Гўзал БЕРДИЕВА,
талаба:

— Қарши шаҳрида туғилганман. Айни пайтда Тошкент Тиббиёт академиясида иккинчи босқичда таҳсил оляпман. Мен ўқиётган олий таълим муассасасида чуқур билим олишимиз учун барча шароитлар муҳайё. Ёшларнинг илму фан оламида ўзини кўрсатишига, соҳанинг етук мутахассиси бўлиб етишишига замин яратилган. Шундай ажойиб ўқув даргоҳида таълим олаётганимдан фахрланаман. Конституцион ҳуқуқимдан фойдаланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида биринчи марта иштирок этаман ва менинг овозим ҳам мамлакатимиз тараққиёти, унинг гуллаб-яшнашига қаратилгандир.

* * *

Шароф НАШВАНҚУЛОВ,
"Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси:

— Ҳозирги кунда корхонамизда фаолият кўрсатаётган 1200 нафардан зиёд ёшлар сайловчилар рўйхатига киритилган. Улар ўртасида мамлакатимиз Президенти сайлови бўйича ташвиқот ишлари амалга ошириляпти.

Жумладан, ўзим ҳам сиёсий партиялар томонидан кўрсатилган ва Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган ҳар бир номзоднинг сайловолди дастури билан танишиб чиқдим. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш, Ватанимиз равнақига ҳисса қўшиш йўлида муносиб номзодга овоз бермоқчиман.

Акмал АБДИЕВ ёзиб олди.

АССАЛОМ, ШУКУҲЛИ АЙЁМ!

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тармоқ касаба уюшмаси Учтепа туман кенгаши билан ҳамкорликда тумандаги 4-умумтаълим мактабида маданий-маърифий тадбир ўтказди.

«Ассалом, баҳор байрами» деб номланган тадбирга узоқ йиллар ушбу мактабда самарали меҳнат қилиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган бир гуруҳ фахрийлар, ҳудуддаги маҳалла фаоллари, нуронийлар таклиф этилди. Дастурхонларга кўклам неъматлари тортилди. Шўх куй-қўшиқлар янгради.

— Баҳор — янгиланиш-яшариш айёми. Бу фаслда нишонланадиган Наврўз байрами истиқлол йилларида ўзининг чинакам қадр-қимматини топди, — деди ушбу таълим масканида узоқ йиллар она тили фанидан дарс берган, ҳозирда 76 ёшли онахон Мавжуда Зокирова. — Шукурки, фаровонликда яшамоқдамиз. Дастурхонларимиз тўкин. Илм даргоҳларимизда ёшларимиз ўз касбининг усталари қўлида замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда таълим-тарбия олишмоқда. Бу тинчлик ва хотиржамликнинг меваси. Эзгу ишларнинг қадрига етиб яшаш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Мактабда 27 йил раҳбарлик қилиб, ҳозирда пенсияда бўлган Абутолиб Абдуллаев, Саодат Нурматова каби фахрийлар йиғилганларни Наврўз айёми билан қутлаб, тадбир ташкилотчиларига ўз миннатдорликларини билдиришди.

Учрашувда фахрийлар ва ҳозирда дарс бераётган жонкуяр устозларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Мактабнинг «Нилуфар» ашула ва рақс тўгараги қизлари ва ўқувчиларнинг турфа чиқишлари тадбирга кўтаринкилик бағишлади.

Салим АБДУРАҲМОНОВ,
«Ishonch» мухбири.
«Ishonch» фотомухбири
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Қорақалпоғистон Республикаси касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши фаоллари ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 100 ёшдан ошган нуронийлар ҳолидан хабар олди.

ОНАХОНЛАР ДУОГА ҚЎЛ ОЧДИ

Райма момо Хўжаниязованинг ёшлик даври Чимбой туманининг чекка қишлоғида ўтди. Ўша йиллари ҳаёт кечириш оғир ва машаққатли эди.

— Уруш йилларида кўрган азобим ҳаммасидан ошиб тушган, — дея ўтмишни эслайди 103 ёшни қарши олган онахон. — Катта фарзандимни опичиб дала ишига аранг улгурардим, устига-устак умр йўлдошим Ўмирбек Палекеев фронтдан ногирон бўлиб қайтди.

Ҳаётнинг оғир синовларига дош берган онахоннинг дориломон кунларга етиб келганидан кўнгли чоғ. Ҳозирда Нукус шаҳрида яшаётган Райма момо Хўжаниязовани бирлашма кенгаши вакиллари Наврўз байрами билан табриклаб, совға-салом топширишди.

Шу куни касаба уюшма фаоллари Хўжайли тумани Тахиатош шаҳрида истиқомат қилаётган 102 баҳорни кўрган Ҳажар момо Сапарбоева хонадонида ҳам бўлишди. Байрам совғалари онахонга хуш кайфият улашди.

— Оиламиз ҳамжиҳатлиги, хонадонимиз ободлиги-ю саришталигида бувижонимизнинг ҳиссаси кўп, — дейди кичик невара Юлдашбой Тажибоев. — У кишининг насиҳатларига амал қиламиз. Ҳар куни эрталаб ишга отланар эканман, бувим дуога қўл очади.

Ҳажар момо умр йўлдоши Тажибой бобо билан икки ўғил, етти қизни улғайтирди. Ҳозирда момонинг 47 невара, 92 чевара ва 4 эвараси бор. Табаррук онахон шу кунларда нафақат оиласи, балки ҳукуматимиз, маҳалла-кўй, қўни-қўшнилар ардоғида ҳаёт кечирмоқда.

Ортиқбой МАМУТОВ,
"Ishonch" мухбири

МУЖДА КЕЛДИ, ЎЙНАБ-КУЛИНГ...

Термиз шаҳри байрамона безатилган. Шаҳар марказидаги амфитеатрга сурхондарёликлар қатори хорижлик меҳмонлар ҳам ташриф этишди. Вилоят ҳокими Тожимурод Мамараимов йиғилганларни янгиланиш ва яшариш байрами билан қизғин мубораклаб этди. Карнай-сурнай ва ноғоралар садоси, жарчиларнинг чорлови билан байрам тантаналари бошланди.

— Наврўз бизни табиатга янада яқинлаштиради, — дейди Ангор туманидаги "Саидносирхон" фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистон Қаҳрамони Исохон Баҳромов. — Бу кундан бошлаб ерга барака уруғи ташланади. Биз ҳам 35 гектардан ортиқ майдонда чигит қадаш ишларини бошлаб юбордик.

— Неча минг йиллар оша авлодлар тафаккури ила сайқал топиб келаётган бу байрамни 5 минг нафарга яқин фуқароларимиз билан истиқлолимизга шукроналар айтиб, шоду-хуррамликда нишонлаяпмиз, — дейди Қумқўрғон туманидаги "Янгиер" МФЙ раиси Н.Суюнова. — Ҳудудимиздаги истироҳат боғида ташкил этилаётган бадиий чиқишлар, ўйингоҳимизда уюштирилаётган кураш, футбол, волейбол мусобақалари кўтаринки кайфият бахш этмоқда. Ғолибларга ҳомий ва саховатли кишиларнинг совғалари топширилаётир. Шодиёналар муносабати билан беморлар ҳолидан ҳам хабар олдик

Воҳа аҳли Наврўзни ўзгача интиқлик билан кутиб олди. Ёшу қари кўча ва хиёбонларга, сайилгоҳларга, адирларга интилди. Бахшилар дўмбира чертади. Ҳофизу хонандалар хониш қилади, терма ва лапарлар янграйди. Аскиячи ва қизиқчиларнинг пайровлари кўнгилларини узундан-узоқ ёйиб, ҳаётбахш ҳазиллар ва ҳикоятлар ўқиб, ҳаммани ҳушчаклликка чорлаяпти. Ёшлар ўртасида ўтказилган кураш, футбол, волейбол, шашка ва шахмат ўйинлари, ҳунармандлар ва ҳунарманд аёлларнинг ҳунармандчилик маҳоратини намойиш этиши, ҳаваскорлар ва ижодкорлар ижросидаги концертлар

2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Барча юртдошларимизни ва соҳа ходимларини борлиқни гулга буркаётган

Наврўзи олам

билан мубораклаб этади.

Оилангизга тинчлик-хотиржамлик, қут-барака ҳамиша ёр бўлсин!

«Зомин санаторийси» МЧЖ жамоаси

Ватандошларимизни эзгулик айёми – Наврўзи оламнинг таврифи билан самимий қутлайди.

Юрт равнақи ва турмуш фаровонлигига самарали ҳисса қўшаётган халқимизга хуш кайфият, мустаҳкам соғлик, сермазмун умр тилаймиз.

«Абу Али ибн Сино санаторийси» МЧЖ жамоаси

Бунёдкор халқимиз ва соҳа ходимларини миллий қадриятларимизнинг беназир тимсолларидан бири – Наврўз байрами билан табриклайди.

Ватанимизни тинчлик-осойишталик асло тарк этмасин!

● Велоспорт

Наманган шаҳрида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт устози Баҳодир Мўминов хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.

ХОТИРА ТУРНИРИ

Тошкент шаҳри, Сирдарё, Наманган, Самарқанд, Хоразм, Фарғона, Тошкент, Бухоро вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасидан жами 95 нафар спортчи турли масофаларга ўтказилган баҳсларда ғолиблик учун куч синашди. Турнирда, шунингдек, қўшни Қозоғистондан келган велоспортчилар ҳам ўз маҳоратларини намойиш этдилар.

Баҳслар якунига кўра эркаклар ўртасида Вадим Шаехов (Сирдарё, 82 очко) биринчи, Сергей Медведев (Тошкент ш., 56 очко) иккинчи, Тимур Ямбулатов (Тошкент вил.,44 очко) учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар ўртасида эса пойтахтлик Олга Жантуганова 81 очко жамғарган ҳолда олтин, унинг жамоадоши Олга Дробишева 65 очко билан кумуш, 61 очко тўплаган Тошкент вилояти вакиласи Рената Байметова эса бронза медали совриндори бўлди.

500 метр масофага ўсмирлар ўртасида ўтказилган пойгада Чирчиқ олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Данил Евдокимов марра чизиғини биринчи бўлиб босиб ўтди. Данил, шунингдек, икки километр масофага ҳамда скретч пойгаларида ҳам олтин медал соҳибига айланди.

— Наманган велотрекида республика миқёсидаги мусобақалар охирги маротаба бундан бир неча йил аввал ўтказилган эди, — деди Ўзбекистон велоспорт федерациясининг раис ўринбосари Елена Черникова. — Шу боисдан бўлса керак, мусобақаларга қизиқиш жуда ҳам юқори бўлди. Умид қиламизки, мусобақалар нуфузи ва даражаси ортиб бораверади. Бу эса ўз навбатида, велоспортнинг янада оммавийлашишига хизмат қилади.

● Шахмат

Пойтахтимизда шахмат бўйича Ўзбекистоннинг биринчи гроссмейстери Георгий Аъзамов хотирасига бағишлаб, тўққизинчи маротаба ташкил этилган халқаро турнир баҳслари ниҳоясига етди.

МАҲОРАТ ТАСДИҒИ

Швейцарча тизимда тўққиз турдан иборат мусобақада 7 очко жамғарган россиялик Владислав Артемев ғолибликка эришди. Худди шунча очко жамғарган Владислав Ткачев (Франция) қўшимча кўрсаткичлвр бўйича иккинчи, ҳамюртимиз Баҳодир Холмирзаев 6,5 очко билан учинчи ўринни эгаллади.

Хотин-қизлар орасида биринчи ўринни эгаллаган юртдошимиз Сарвиноз Қурбонбоева халқаро гроссмейстерлик талабини бажарди. Умуман, мазкур мусобақа Ўзбекистон шахмат мактаби вакилларининг шиддати ва маҳоратини намоён этди. Жумладан, Баҳора Абдусатторова иккинчи ўринни эгаллаган бўлса, Мафтуна Маматқулова бронза медали билан тақдирланди.

20 ёшгача бўлган ёшлар ўртасидаги мусобақаларда яна бир ҳамюртимиз Ортиқ Ниғматов ғолибликка эришди.

Адҳам АРСЛОНОВ,
"Ishonch" мухбири

САМАРҚАНДГА САЁҲАТ

"Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!" шиори остида ўтказилиб келинаётган тадбирлар доирасида Сирдарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси томонидан бир гуруҳ нуронийларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Зиёратчилар Имом ал-Бухорий мажмуаси, Гўри Амир мақбараси, Шоҳи Зинда ансамбли, Регистон мажмуасини томоша қилдилар.

— Саёҳат давомида кўҳна заминда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўлдик. Қалбимиз фахр-ифтихор ҳисларга тўлди, — дейди Сардоба туманилик Холмўминҳожи Шукуров.

Самарқанд шаҳри марказидаги "Нуронийлар" чойхонасида отахонлар бир пиёла чой устида ширин суҳбат қурдилар.

— Наврўз умумхалқ байрами шодиёналари кезиб юрган шукуҳли дамларда шундай саёҳат уюштирилганидан нуронийларимизнинг кўнгли тоғдай кўтарилди, — дейди "Нуроний" хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Ўтбосар Абдиев. — Меҳр-саховатга йўғрилган ушбу тадбир кексаларни эъзозлаш, уларнинг ҳурмат-иззатини жойига қўйишнинг амалдаги ифодаси бўлди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
"Ishonch" мухбири

Темирйўлчилар ва транспорт қурувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Ҳар бир юртдошимизни умумхалқ шодиёнаси – Наврўз байрами билан қутлайди.

Дилдаги орзулар ижобат бўлиб, эзгу амаллар рўёбга чиқишига тилакдошмиз. Бахт-саодат, омад, мустаҳкам соғлик, баҳорий гўзаллик доимо ҳамроҳингиз бўлсин!

2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ва фармацевтика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Ўзбекистон халқи ва соғлиқни сақлаш тизими фидойиларини янгиланиш ва яшариш айёми –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан мубораклаб этади!

Хонадонингизга қут-барака, оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик тилайди!

Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Мамлакатимизда кечаётган бунёдкорлик ишларига муносиб ҳиссасини қўшаётган соҳа ходимларини –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан чин дилдан қутлайди!

Келажаги буюк давлатимиз тараққиёти йўлида фидойилик кўрсатаётган қалби қайноқ, меҳри дарё инсонларга мустаҳкам соғлик, хуш кайфият, узоқ умр, хонадонларига файзу барака тилаймиз!

Ўзбекистон энергетика ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши

Ўзбекистон халқини ўйғониш, яшариш, янгиланиш ва орзу-умидларимиз тимсоли бўлган Наврўз айёми билан самимий табриклайди.

Юртимиздаги барча миллат вакилларига тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва фаровонлик тилайди.

«Бекободцемент» АЖ касаба уюшма қўмитаси

Барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан самимий табриклайди.

Улуғ айём кунларида ҳаммага баҳорий кайфият, соғлик-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат, эл-юрт фаровонлиги йўлидаги олижаноб ишларида муваффақиятлар тилайди.

«Навоийазот» акциядорлик жамияти маъмурияти ҳамда касаба уюшмалари қўмитаси

Ватандошларимизни ўлкамизга кириб келган Наврўзи олам билан мубораклаб этади.

Тинч, осуда ва фаровон турмушимизга ҳеч қачон кўз тегмасин. Қалбларимизни баҳорий завқ-шавқ, файзу тароват тарк этмасин!

Реклама ва эълонлар

«Farg'ona mulk servis» МЧЖда ўтказилган аукцион савдолари натижалари.

№	Объектнинг номи	Бошланғич баҳоси	Сотиляш баҳоси (минг сўм)
	2015 йил 09 февраль куни сотилган автомототранспорт воситалари		
1	"ГАЗ-31029" русумли, 1993 йилда и/ч, д/р-40 180 БАА.	1327,594	1375
	2015 йил 24 февраль куни сотилган автомототранспорт воситалари		
2	"ВАЗ-21060" русумли, 1995 йилда и/ч, д/р-17АС555.	1612	1868
3	"ГАЗ-5312" русумли, 1987 йилда и/ч, д/р-17АН555.	1681,139	1937
4	"ЗИЛММЗ-4502" русумли, 1982 йилда и/ч, д/р-40 510МАА	1635,033	2160
	2015 йил 09 март куни сотилган автомототранспорт воситалари		
5	"Нексия" русумли 2001 йилда и/ч, д/р-40 064 TST	11928,142	13010
6	"Нексия" русумли, 1999 йилда и/ч, д/р-40 754 КАА	9674	10274

Хизматлар лицензияланган.

"FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖда бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига «Боғдоддавсувмахсуспудрат» ДУКнинг 12.03.2015 йил кунги №01/03-31- сонли хатига асосан, Фарғона вилояти, Боғдод тумани, Боғдод кўчасида сақланаётган 1988 йилда и/ч, д/б-40 346 ТАА рақамли "Зил-431412" русумли, махсус (автокран) автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Техник ҳолати-носоз. Бошланғич баҳоси — 5 691 196 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 21 апрел куни соат 10:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан талабномалар хабарнома чиққан кундан бошлаб, иш кунлари соат 10:00дан 16:00 гача қабул қилинади. Талабномалар қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 17 апрел, соат 17:00.

Савдо голиби деб топилган шахсга 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Закалат пули келишувига асосан талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "FARG'ONA MULK SERVIS" МЧЖнинг «Халқ банки»нинг Фарғона вилоят амалиёт бўлимидаги қўйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари лозим: МФО: 00497, СТИР: 303054753, х/р: 2020 8000 1003 9634 2001.

Манзил: Фарғона шаҳар, Б.Марғиноний кўчаси, 35-уй, 37-хона.

Тел: (+99895)-402-54-75. Гувоҳнома № 1894.

Хизматлар лицензияланган.

Ушбу сонда 4 саҳифа бепул илова қилинмоқда.

2015-yil 22-mart, yakshanba, № 38 (3543), www.ishonch-doverie.uz, e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

«Шўртангазкимё» мажмуаси маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси

Сочларинг баргақдир мажнунтол мисол,
Кипригинг кўкламнинг кўкидек тийрак.
Лабларинг тоғ лола гулларидек ол,
Баҳора, баҳор қиз, Наврўз муборак!

Севамиз севгиси жонбахшлиги-чун,
Мудроқлик чекиниб, яшарар юрак.
Сени нигоҳлаган кўзларда учун,
Баҳора, баҳор қиз, Наврўз муборак!

Туғилдинг ўз жисминг, ўз исминг билан,
Бежиз атамаслар сени келинчак.
Қалдирғоч қолмайди сира изингдан,
Баҳора, баҳор қиз, Наврўз муборак!

Мен ўрик гулига айланган ари,
Сен елка қорини қоққан бойчечак.
Мен – кўзи, сен унинг кенг яйловлари,
Баҳора, баҳор қиз, Наврўз муборак!

Кундан-кун сепини ёйиб чор-атроф,
Ҳусни, тароватин оширди малак.
Бу – баҳор, сен – баҳор, мен-чи, ўзинг топ,
Мен – ОШИҚ баҳорга. Наврўз муборак!

Акмал АБДИЕВ

Бутун ўзбек халқини янгиланиш ва баҳор байрами –

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан муборакбод этади!

Серкуёш ва жаннатмонанд юртимизга кўз тегмасин!
Меҳнатсевар халқимиз саодати абадий бўлсин!



Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи унитар корхонаси касаба уюшма қўмитаси

Келажаги порлоқ Ўзбекистонимизнинг иқтисодий ривожланишида муносиб ҳиссаси қўшилаётган корхонамиз ишчи-ходимларини, ҳамкор жамоалар аъзоларини, мамлакатимизнинг барча аҳолисини ўлкамизга катта хурсандчилик билан кириб келган

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан қутлайди.

Юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги, ёшларимиз истиқболи учун фидойилик кўрсатаётган барча инсонларга, уларнинг оила аъзоларига мустаҳкам соғлиқ, бахту иқбол, ҳамиша шод-хуррамлик, ишларида зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Баҳор таомномаси



«ДАРМОНДОРИ» ТАОМИ

Ялпиз, жаг-жаг, отқулоқ, исмалоқ, мадорни тенг миқдорда олиб, орасидаги бегона ўтлардан тозалаб, яхшилаб ювиб, тўғрайсиз. Масалликларнинг тенг миқдорда бўлиши мақсадга мувофиқ. Масалан, тўғралган ҳолатдаги кўкат бир косадан бўлса, 250 гр. атрофида ёғ тўғри келади.

Қозонга зайтун ёки писта ёғини соласиз. Бироз қизигандан сўнг, унда пастроқ оловда беш дақиқа давомида кўкатларни қовурасиз. Тухум чақиб, алоҳида идишда ийлайсиз. Сўнг кўкатларга қўшиб, таъбга кўра туз солиб, аралаштирасиз. Устини ёпган ҳолда паст оловда димлайсиз.

Қарабсизки, 10 дақиқадан сўнг мазали таомимиз тайёр бўлади.

ИСМАЛОҚЛИ ДЎЛМА

Исмалоқ барглари териб яхшилаб ювасиз ва қайноқроқ сувга солиб қўясиз.

Идишда 0,5 кг қийма, 2 та ўртача катталикда пиёз, бир пиёла гуруч ва таъбга кўра туз, зирани аралаштирасиз. Қоришмани юқорида тайёрлаб қўйган барглларга 1 ош қошиқдан солиб, ўрайсиз.

Қозонда 250 гр ёғни қиздирасиз. Унда 5-6 бўлак гўшт, 1 та пиёзни қизартириб қовурасиз. Таъбга кўра туз, 0,5 литр сув соласиз. Қайнаб чиққач, унга исмалоқ барглларига ўралган дўлмаларни бир четдан қўйиб чиқасиз. Оловни бироз пасайтириб, қозон устини ёпасиз. Таом 40-45 дақиқада тайёр бўлади.

ҚУВВАТ БЕРУВЧИ ЧОЙ

Ялпизли чой халқ табобатида юракни бақувват қиладиган, кайфиятни кўтарадиган дори сифатида қўлланилади. Уни тайёрлаш эса жуда оддий: ярим литрли чойнакка кичкина қошиқда қора ёки кўк чой, 5-6 та ялпиз барги солинади-да, қайноқ сув қуйилади. Чойнак устига махсус «кийимчаси» кийдирилиб, 15-20 дақиқа дам едирилади. Тайёр бўлгач, таъбга қараб, асал ва новвот солиб ичиш ҳам мумкин.

Раъно МАҲКАМОВА тайёрлади

Газетанинг навбатдаги сони 26 март, пайшанба куни чиқади.

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis: O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b. Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay'ati: Abdulaziz Abdullayev, To'lqin Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek Jalmenov, Farhod Xanapiyayev, Ravshan Bedilov, Asror Ishanxodjayev, Muhabbat O'rmonbekova, Oksana Belousova, Timur Mamadjanov (bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshev (mas'ul kotib v.b.)

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 4 bosma taboq.

Bo'limlar: Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e'lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar: Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg'ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog'iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: A.Arslonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:00
Topshirildi — 21:20

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin. Buyurtma Г — 315 20844 nusxada bosildi 1 2 3 5